



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqib boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 21-iyun • №25 (4216)

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН УЧУН



Ойу йиллар ўтгани сайин ҳаётда кечган улкан воқеаларнинг ҳар бири миллат ва халқ тақдирига дахлдорлигига қараб тарих саҳифаларидан мустаҳкам жой олади. Шу маънода, тарихимизнинг сўнгги йигирма икки йили биз учун бениҳоя қадридлир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини ўқиб, унда илгари сурилган асосий йўналишлар билан танишиб, халқимиз ва давлатчилигимиз тарихи зарварларидан жой олган ўтган йигирма икки йилнинг бутун маҳобати кўз ўнгимда қайта жонланди. Мустақиллини мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашлар, истиқлолни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, ҳурриятимизни кўра олмаган ёвуз кучлар хуружини бартараф этиш, халқимиз эришган озодликни кўз қорачигидек сақлаш учун кўрсатилган мислсиз жасорат йиллари, бир зум бўлсин, ҳаёлимиздан кўтарилган эмас. Ғалла ва нефт мустақиллигига эришиш, она-Ватанни обод қилиш йўлида амалга оширилган бунёдкорона меҳнат жараёнлари халқимиз иродасини тоблаб, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлагани, ўз

ҳақ-ҳуқуқини таниган одамларнинг онг ва тафаккурида буюқ ўзгариш ва янгилашниларга йўл очгани айни ҳақиқатдир. Қарорнинг иккинчи бандида "Мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаши, истиқлол юртимизда яшашга, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омил эканини кенг очиб бериш"га эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, истиқлолдан аввал — шўро даврида халқимизнинг барча миллий ва диний қадриятлари топталгани, сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилгани, она тили камситилиб, унутилишга маҳкум қилинган, миллий байрамларимиз тазйиққа учрагани бугун ўтмишга айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимизнинг, шу жумладан юртимизда умргузаронлик қилаётган барча миллатларнинг

ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган. Шўро замонида бўлганидек "хўжакўрсин"га белгилаб қўйилган эски ақидалар бутунлай барҳам топди. Мамлакатда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадлар олдимизга вазифа қилиб қўйилди. Мамлакатимизда бу борада эришилган ютуқлар, қўлга киритилган марраларни эндиликда нафақат ўз халқимиз, ҳатто хорижий давлатларнинг дунё кўрган йирик сиёсатшунослари ҳам эътироф этишаётир.

Бу даражага, бу марраларга эришиш эса асло осон кечгани йўқ. Қарорда мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобидида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар моҳиятини теран акс эттириш, жумладан, ғоят айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш таъкидлангани бежиз эмас.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бувайдалик "Равшанбек Абдуллаев" фермер хўжалиги далаларида.




Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Жаҳон адабиётининг буюқ намояндаси Алишер Навоий асарлари тили XVI асрдаёқ ўрганила бошланган. Яқинда "NISO POLIGRAF" нашриёти тўрт жилдан иборат "Алишер Навоий асарлари лугати"нинг биринчи китобини нашр этди. Мазкур лугатни профессор Эргаш Фозилов тузган.

"Алишер Навоий асарлари лугати"да улуғ шоирнинг бекиёс сўз бойлиги қамраб олинган. Лугат Навоий асарлари материаллари бўйича ҳозирги лексикография ва тарихий-филологик таҳлил асосида

БЕКІЁС СЎЗ БОЙЛИГИ

тузилган, унда сўзларнинг мукамал изоҳи берилган. Лугатда Навоий асарларининг жаҳондаги танқидий ва оммавий нашрларидан ташқари, бадий ва илмий



Шунингдек, туркий халқларнинг қадимий қўлёзмаларини, эски обидаларни ўқиш ва ўрганишда ҳам мазкур лугат қўл келади. Қолаверса, арабча, форсча сўзлар семантикасининг эволюциясини ҳамда ўзлаштирилган сўзлар тарихини аниқлашда ҳам ушбу нашр муҳим манбадир.

Лугат илмий ходимларга, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчилари, талабалари ва Алишер Навоий ижоди ихлосмандларига мўлжалланган.

3

КИНО — ТАН, СЮЖЕТ — ЖОН

Сюжет тушунчаси кино санъатига адабиётдан кириб келгани азалдан маълум. Айтиш мумкинки, яхлит воқеалар тизимига асосланган филмларнинг пайдо бўлиши кинони мустақил санъат тури сифатида шаклланишига замин яратди. Мавзуси, жанридан қатъий назар бугун ҳеч бир бадий филмни сюжетсиз тасавур қилишнинг иложи йўқ. Таниқли кинорежиссёрлардан бири таъкидлаганидек, "Бадий филм сюжети реал воқеликнинг шундай ифодасики, унда инсоннинг ички фазилатларини пайқаш ва юзага чиқариш имконияти мавжуд". Дарҳақиқат, кино соҳасига қадам қўйган ижодкор борки, теварак-атрофни диққат билан кузатиб, ундан рангин жиҳатлар, бадий тимсол ва характерлар топиш, ҳеч ким билмаган, эшитмаган воқеалар асосида қизиқарли, мазмундор сюжет яратишни орзу қилади.

Мулоҳаза

Хужжатли ёки анимацион турдаги филмлардан фарқли равишда бадий кинода сюжет бирламчи масала. Сабаби, илмий-оммабоп филмларда баъзан хужжатли-хронологик мезонлар, мультипликацияда эса шартлилик, компютер графикаси кучсиз сюжет ўрнини тўлдириб юбориши мумкин. Бадий кинода эса бунинг уддасидан чиқиш қийин. Аслида бадий филм суратга олиш бадий асар ёзишдек нозик ижодий жараён бўлиб, режиссёр худди ёзувчи сингари бой хаёлотни, тасаввурини ишга солади. Бу борада сюжетнинг композицион яхлитлиги, воқеалар занжирининг изчиллиги, фабуладаги ҳар бир эпизоднинг ғоявий мақсадга қаратилиши филм муваффақиятини таъминловчи асосий мезондир.

Давоми бешинчи саҳифада.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги азал-азалдан қон-қардошлик, аҳил қўшничили асосига қурилган. Бу ҳамжиҳатлик, биродарлик мустақиллик йилларида янги асосларда янада мустаҳкамлаш, тарих синовидан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг ўтган ҳафтада юртимизда бўлиб

бир қанча келишувлар амалга оширилди. Маданият, спорт, ижтимоий-иқтисодий жабҳалар истиқболлини таъминловчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Санъат, фан, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида 2013

ДЎСТЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК КЎЙЧИСИ



Саркар ҲУМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

ўтган расмий ташрифи чоғидаги мулоқотлар барча соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқнинг янги, юқори босқичини бошлаб берди. Хусусан, Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалалари, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги сиёсий ҳолат юзасидан фикр алмашинди. Минтақадаги осойишталикни таъминлаш, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ўзбек ва қозоқ халқлари учун бирдек аҳамиятли эканлиги қайд этилди. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши шу мақсадда қўйилган мустаҳкам қадам бўлди.

— 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг қабул қилиниши ана шу соҳалар ривожига алоҳида ўрин тутади.

Дарҳақиқат, пойтахтимизда қад кўтарган Қозоғистон элчихонасининг янги биноси ҳамда қозоқ адабиётининг атоқли вакили Абай Қўнобоевга қўйилган ҳайкалнинг мамлакат раҳбарлари иштирокида очилиши икки давлат маданий ҳаётида ёрқин саҳифа очди.

Қардош қозоқ адабиётининг улкан намояндаси Абай ўз ижоди билан ҳақли равишда дўстлик ва инсонпарварлик кўйчиси бўлиб қолди. Шоирнинг хикматлар ва насихатлардан таркиб топган "Қора сўз" китоби бугун ҳам ўзбек ва қозоқ китобхонларининг севимли асаридир.

Мулоқотлар чоғида маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан

4

Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғда янги "Наво" концерт залининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан таниқли эстрада хонандалари иштирокида "Обод юртга муносиб фарзанд бўлайлик" мавзусида ижодий учрашув ва гала-концерт ташкил этилди. Тадбирда Зулайхо Бойхонова, Самандар Ҳамроқулов, "Нихол" мукофоти

Таабур

ОБОД ЮРТ ҚЎШИҚЛАРИ

ти совриндори Малика Эгамбердиева каби таниқли ва ёш эстрада хонандалари ихросидаги қўшиқлар ижро қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур концерт зали "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси маблағлари ҳисобидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда қайта таъмирдан чиқарилди. Концерт саҳнаси янгилашиб, саккиз юз кишилик янги ўриндиқлар, овоз кучайтиргич ва саҳна чироқлари каби замонавий техник жиҳозлар ўрнатилди. Эндиликда, бу муҳташам мажмуада нафақат Наманган, балки қўшни вилоятлар санъаткорлари иштирокида турли танлов ва фестиваллар, "Нихол", "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Марди майдон!" каби нуфузли санъат анжуманларини ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, ушбу мажмуада соҳа мутахассисларининг турли маҳорат дарслари, миллий эстрада санъатини ривожлантиришга бағишланган анжуманлар, ижодий мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Мадина ҲАЛИМОВА

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига тақлиф этади.

Танловга «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган ширни асосий ғоя сифатида ўзда мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда: мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшашга, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омил эканлиги кенг очиб берилган; халқимиз ўтган даврда ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғоялигига садоқатини намоеён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

Давоми олтинчи саҳифада.

Бошланғич биринчи саҳифада.

Уша йиллардаги қалтис вазиятнинг бево-сита гувоҳи бўлган саксон ёшли кекса муал-лим шу ҳақда айтиб берган бир воқеани эс-лаш ўринли, деб ўйлайман. "Янглишмасам, ўтган асрнинг 87 йили эди, — деб ҳикоя қи-лади Қарши туманидаги Шилви кишлоғида яшовчи Эгамберди Худойбердиев. — Би-ласиз, халқимиз кўп фарзандли. Хар йили ўғил уйлантиради, қиз чиқаради. Янги оилалар кўпайган сари уларни уй-жой билан таъминлаш муаммоси йил сайин оғир-лашиб бораётганиди. Негаки, ҳаммаёқда пахта якжаҳоким. Бир қарич ер бўлса ҳам пахта даласини кенгайтириш учун ажратилар, уй-жой қуриш учун умуман ер берилмасди. Шун-да кишлоғимиздаги бир қанча серфарзанд онахонлар ер сўраб, туман раҳбарига ариза билан чиқишади. Шўро замони эмасми, ту-ман раҳбари уларни хонасидан ҳайдаб чи-қаради. Бундай ноҳақликдан кўнгли вайрон бўлган аёллар вилоят раҳбарига арз қи-лашади. Қарангки, муаммо тезда ўрганиб чи-қилади ва барча раҳбарлар иштироқида муҳокама қилиниб, масала ижобий ҳал эти-лади.

Ушанда, гарчи битта ҳўжалик шароитида бўлса ҳам, масала ўз ечимини топгани ва келгусидаги ёруғ ниятларга, пухта ўйланган режаларга асос-замин бўлиб, тарихнинг кес-кин бурилиш паллаларида бутун мамлакат аҳолисининг гоят кескин муаммоларини ҳал этиш йўлида амалга оширилган ислохотлар моҳиятида намоян бўлганга ҳаммамиз гу-воҳимиз. 1989 йилнинг 17 августида Ислоҳ Каримов бошчилигида республика ҳўкумати-нинг шу масалага бағишланган кенгайтирил-ган йиғилиши ўтказилиб, "Кишлоқда яшов-чи ҳар бир оилани томорқа билан таъмин-лаш, уларга яқна тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида" қарор қабул қилинади. "Ушбу тари-хий ҳўжатда кишлоқда яшовчи ҳар бир ки-

шига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баро-бар кўпайтириш кўзда тутилган эди". ("Ўзбе-кистон мустақилликка эришиш остонасида"). Мен ўша кезлари бир оддий муҳбир сифа-тида халқимизнинг ана шу тарихий қарор боис елкасига офтоб текканига доир катта-гина таҳлилий мақоламни "Ўйғонаётган умид"

ИСЛОХОТЛАР ИНСОН УЧУН

сарлавҳаси билан "ЎзАС" саҳифаларида эълон қилгандим. Буни эсларканман, халқ-мизнинг бугунги фаровонлиги, бозорла-римиз сероб, дастур-хонимиз серфайалиги мана шу тарихий қарор ва унда илгари сурилган эл-юрт ман-фаати, миллат фаро-вонлиги йўлида изчил-лик билан амалга оши-рилган давлат сиёса-тининг устувор йўна-лишларида боғлиқ эканини кўраман.

Кўпчилигимиз яхши биламизки, мустақил-ликка қадар биз нуқул пахта экиб, унинг хомашёсининга сотардик, холос. Дунё иқти-содидан маълумки, минг машаққат билан пахта этиштириб, уни қайта ишламасдан сот-ганининг асло "коссаси оқармайди". Шу ма-нода, истиқлол йилларида ер деҳқонга узок муддатли мулк қилиб берилишидан ташка-ри, у этиштирган пахтани мамлакатнинг ўзида қайта ишлаб, тайёр махсулотга айлан-тириш мақсадида узокни кўзлаган стратегик дастурлар амалга оширила бошланди. Хар бир вилоятда хорижий технологиялар билан

жўхозланган тўқимачилик корхоналарини ишга туширишга катта эътибор қаратилди. Агар истиқлолнинг дастлабки йилларида пахта толасининг атиги 10-12 фоизи мамла-катимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошди. Бугун барча шаҳар ва туманларимизда янги мак-таб, лицей ва коллежлар, спорт иншоотла-

лардаги ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига қилган таширифи чоғида пахта толасини қайта ишлаш ҳажми-ни мунтазам равишда кўпайтириш масала-сига атрофлича тўхталгани бежиз эмас. Юртбошимиз бир долларлик пахта тола-си қайта ишланиб, калава ипга айлантирил-

ганда бу ярим тайёр махсулотдан 4-5 доллар, агар ундан тайёр мах-сулот ишлаб чиқарилганда 10-12 доллар фойда олиш мумкинлиги-ни алоҳида таъкидлади. Жиззах вилоятида толани қайта ишлай-диган ва тайёр махсулотлар ишла-б чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш, бундай корхона-ларда ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлаш гоят муҳим вазифа эканлигига эътибор қаратди.

Фермерлар ва қишлоқ ҳўжали-ги мутахассислари билан бўлган мулоқотлар чоғида давлатимиз раҳбари "Биз собик совет тузу-мининг асоратларидан фермер-ларга ер ажратиб, уларда мулк-дорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бу-гунги фермерлар — мамлақати-мизнинг устунига айланди. Устун эса таянч демакдир. Лекин фақат деҳқончи-лик ва чорвачилик билангина фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳўқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш ло-зим. Чунки фермерлик ҳарақати иқтисодиё-тимизни ривожлантиришга, аҳолининг тур-муш даражаси ва сифатини оширишга ҳиз-мат қиладиган қудратли кўчидир", — деди.

Мустақилликнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бундай страте-гик дастурлар, ислохотларнинг ҳар бири

миллатимиз тарихининг ўзига хос кўзгуси бўлиб қолди. Истиқлол йилларида фермер-лик ҳарақати кенг қулоқ ёйиб, пахта майдон-ларининг тенг қисми бошоқли экинлар этиш-тириш учун ажратилгани, айна чоғда, галла ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асос-ланган замонавий усуллари жорий этилган-и, юксак унум билан ишлайдиган хориж ўрим-йиғим техникалари харид қилингани каби муҳим тадбирлар галла мустақиллиги-ни таъминлашнинг асоси бўлиб ҳизмат қил-ганини ҳар бир фуқаро ҳўқур англайди. Муборак, Кўкдумалоқ, Шўртан қўлларида, Оролбўйи минтақасида йирик газ қонлари очилгани, Бухоро нефтни қайта ишлаш за-води ва "Шўртан газ-кимё маҳмуи" каби йирик иншоотлар ишга туширилиши эса мамлакатимизда ёнилғи-энергетика муста-қиллигига эришиш имконини берди.

Қизилқум саҳросини кесиб ўтган Навоий — Учқудук — Нукус ҳамда юксак Ҳисор тоғ-ларига белбоғ бўлган Тошғузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўллари, Қамчиқ доводидан ўтказилган йирик автомагист-рав ва бугунги кунда изчиллик билан давом эттирилаётган шу каби янги йўлсозлик иншоотлари қурилиши мамлакатимизнинг транспорт ва коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш йўлида амалга оширилган ислохотларнинг ёрқин манзараларидир.

Президентимиз Қарорида таъкидлангани-дек, эришган барча ютуқларимиз замирида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз қўли ва имкониятла-рига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бора-ётгани, мухтастар айтганда, мустақил тари-қийё йўлида қандай юксак марраларга эриш-ган бўлсак, уларнинг барчаси негизда, авваламбор, одамларимизнинг ўсиб бора-ётган сийёҳ, ҳўқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассамдир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Ўзбек тили Марказий Осиёда катта бир худудни қамраб олган, бугун у қирқ миллион, балки кўпроқ одамларнинг она тили. Адабий тил унинг ичиде — нисолан давлат ичидеги давлат, бу давлатнинг асоси эса Ўзбекистонимиз, қўшни давлатлардаги ўзбеклар асосан ўз шева ва лаҳжаларида сўзлашади; адабий тилнинг улардаги ривожини жуда кўп жиҳатдан бизга боғлиқ, бизда адабий тил давлат мақомида ҳамда қонуни ҳимоясида ва шу боис бу тилни асраб-авайлаш, тоза сақлаш, чет тиллар таъсирини бир меъёрга келтириш зарурияти бизнинг, кўпроқ қалам аҳлининг зиммасида.

Авом тилининг ривожини асрлар давомида табиий кечди, ўтган аср бошларигача арабий ва форсий тиллар билан доимий мулоқотдан бошқа унчалик таъсирларга учрамаган. адабий тил эса авом тили, қора тил (ҳам улкан, ҳам ишлов берилмаган, ёмби маъносиде) чашмаларидан чиқадиган зиллолардан йиғилиб, асрлар мобайнида ишлов берилиб, сайқал топган ва бугунги замон талаби билан яна ҳам шева неъматларидан озиклибани тақомилда келаётган нарқул ҳаёт.

Авом сарфу наҳв қоидаларини атайлаб ўрганмайдиган, бунинг унга зарилли ҳам йўқ, унинг тили табиий туг-ма, у тил қоидаларидан маънос дарс олмаган ҳолида ҳам бу қоидаларга тўқис амал қилади. Яна ҳам тўғрироғи, табиий тил жараёнини илм учун биз қоида-қоилага солиб ўрган-миз, назария билан мезон-меъёрларга солаимиз. Айниқса, кейинги йилларда шу мезон-меъёрлар билан ҳам ишимиз бўлмади қолди.

Авом тилини, дўппини ечиб ўйла-сан, халқнинг ўзи бузмайдиган, бузмай-ган ёт истилоҳ-ибораларни бу тирик оқим устига биз — қалам аҳли соча-миз, халқ эса уларни ўз талаффузи-га мослаб, сўзлашув нутқида қўшиб олиб ишлатаверади. Мана, масалан, "варақа", "хурушип", "карчўпка" сўзларининг асли русчада нима бўлганини бирдан англаш қийин: "варақа" "ворохоочиститель" (кўсак чувиш ускунаси)дан, "хурушип" ё "хурушчўп" — "Хрущёв"дан... "Карчўпка" ни болалигимда гўзанинг чўпини илдизидан қирққани учун ўзимизнинг "чўп"дан олинган деб ўйлар эдим, бу сўз "корчёвка", "корчеватель"дан экан. Матбуот тилига ўзимиздаги сикмола "борона" деб кирган, халқ "барана" деб қўллаиверади. Кенг омма учун бегона сўз иштир келди-ми ё ўз сўзини бўзиб ишлатаяптими, унча фарқи йўқ, истилоҳ ўз вазифа-сини бажарса қиймо, лугавий маъно-сини сўзининг афмоли бўлаверади. Тилимиздаги талаффуз қонуниятла-ри билан ҳисоблашмай қандай бўлса шундайича киритилган сўз-атама-ларни халқ ўз лаҳжаларига мослаб олган. Бу ҳам галати жараён — жуда кўп хорижий тилларда чет сўзлар туб-жой аҳоли талаффузига мувофиқ қилиб истеъмолга киритилди, биз эса ҳатто бошқа туркий тиллардан ҳам фарқи уларни, асл ҳолида, ҳатто биринчи ўларнинг ҳам ўзгартри-май оламиз: "эмпириокритицизм", "коммуникация" ва ҳ.к. Биз қалам

аҳли "чөмөт" деб ёзамиз, халқ эса "семон" дейди, биз "целлофан" деб ёзамиз, авом эса "салафан" деб кет-таверади. Халқнинг айтгани тўғри, чет атамани унинг талаффузига зўрлаб тикиштирган бизники нотўғри. Япон насронийларни Исо алай-ҳиссаломни "Эсу Киристо" ("Эсу Ки-ристо-сама") деб ўз талаффузлари-га мослаб ёзадилар. Бу билан ўзла-ри сизинадиган Иусус Христосга шак келтирган бўлмайдилар-ку. Биз ҳам рус тилиданми, бошқа тиллар-данми бизда ўзи бўлмаган, муқобил атамаси йўқ истилоҳларни тил талаффузимизга мослаб олсак бўлмайми? Ҳўп, дейлик, "целлулоид"ни ким шундай талаффуз қила олади? "Эмпириок-ритицизм" деган маф-кура сўзини барибир "импракритизм" деб кет-ган эмасмидик? Ёзмада бир хил ёзиб, оғзакида бошқача талаффуз этиб, тилимизни қийнадик.

Чет истилоҳларни шундайича ки-ритиш она тилимиз ифода бойлик-ларини қашшоқлантиради. Бу бой-ликлар ичиде товуш талаффузи ҳам алоҳида ўрин тутайди. Мен бу билан ўтмишда қолган атамаларга қайтиш керак демоқчи эмасман, бунинг ило-жи ҳам йўқдир энди, лекин тилимиз-да шунча сўзлар билан бирга улар-нинг оҳори, товушининг ўзидаги қадр-дон маъно кенгликлари ҳам орқада қолиб кетаяпти, яъни тилимизда сўз бойликлари истеъмолдан чиқиши баробарида ифода имкониятлари ҳам торайиб борапти. Кўплар "Бай-рут"ни "Бейрут", "Баҳрайн"ни "Бах-рейн", "ўтар"ни "отар", "Балужистон"ни "Белужистон", "Тивншон"ни "Тян-шан", "Қорақурум"ни "Коракорум", "Байтуллоҳ"ни "Бетлехем", "Дамаш-қ"ни "Дамаск" деб талаффуз қилиш-да унча фарқ кўрмайдилар, худди "борларинг", "келларинг" (мас., "Бу ерда турмаларинг") адабий тилга ҳилоф эканини билмасликка олиш-дек, лекин айна шу талаффузда мил-лий тил оханглари, шу оханглар иф-одадангидан шуурости сезимларигача бузилади. Мана, сингармонизм йўқо-лади, унинг йўқолиши тугул, ўзи ҳақида тасаввур ҳам йитиб кетаяпти ва бунинг оқибати ўз навбатида фикр ифодасини қашшоқлаштиряпти.

Германиянинг "Ольмония", Ливан-нинг "Лубнон", Болгариянинг "Булгористон" бўлгани хотирамиз-дан ўчяпти, энди ўзимиз ҳам "Миср-

"ни "Египет", "Ҳабашистон"ни "Эфи-опия" дейишга ўтиб кетаяпти. "Иеру-салим" Қуддусни, "Алжир" Жазоир-ни сиқиб чиқаряпти. Венгриянинг "Махористон", венгрларни "мадяр", "мажор" бўлгани ўтмишга айланди. Нимага "Холландия"ни ўрисча ёзиб, ўрисча талаффуз қиламиз? Нима учун хорижий истилоҳларни рус тили орқали икки айлантириб ёзишимиз керак? Муқобили ўзимизда маъжуд атамаларни ҳам рус тилидагисини оламиз, ўзимизда "х" товуш ҳарфи бўлгани ҳолда, рус тилидаги "г" то-вуш ҳарфини қўлаймиз? "Гонконг", "Гейне", "Гёте"... Бунақа ном, атамаларни санасак бир қоп бўлади.

Ўрганиб кетганимиз боис эътибор қилмаймиз: ўтган аср бошларидан русча эгаллик қўшимчаси "-ов"нинг кенг ёйилиши (туркшуносликда асли бу туркий "-ов" (уй, уйи)дан олинган деган қараш ҳам бор) исми шариф-ни айтишда талаффузни, ёзувда то-вуш ҳарфларини ҳам ўзгартириб юборди...

Тилларни унификация қилиш, олис келажақда улар қўшилиб ке-

Талай-талай байналмилал исти-лоҳлар энди ўзимизники бўлиб кет-ди. Албатта, қўпининг тилимизда муқобили азалдан бўлмаган. Эски луғатлардан уларга муқобил ахтариш бефойда, лекин атамани ўз тилимиз бойликларига суянган ҳолда янгидан ясаш мумкин, луғатларимизда эса бунинг терси: истилоҳни тайёр холи-ча ўзга тилдан кўчирдилар ёки му-қобилини излашга эриниб ўзлари мафҳуман таржима қилиб қўя қо-ладилар: "гусь — эркак гоз", "витрина" — "витрина", "магазин витринаси" ("пешойна" ёки "пештахта", "дўкон" ни гўё билмайдилар).

Чет тиллар олдида ўз тилимиз-нинг қадрини туширмаслигимиз ке-рак. Мисол учун, шаҳримиз кўчалар-ига бир қаранг! Учрашув, конферен-цияларнинг таклифнома ё дастурла-рини олайлик: инглизча ё русча тар-жимаси бор, ўзбек тилида ёзилган қисми ҳам ё инглизча, ё русча тер-минларга тўлиб тошган. Бепаарво-миз. Мана, «мышка», «презентация», «лайк» («лайк қилмоқ»), «парол», «лог-гин», «пост» «статус», «мобил вер-

римизни янада тиклаб бориш мум-кин-ку.

Йўқ, замон талаби деб ёпишиб қолганмиз, "туппа" минг йиллик тао-мимиз бўлса-да, "лапша"да ой кўрганмиз, ҳар куни ўн мартабала "лапша"ни реклама қилаверамиз. Қизик, ўзимизда мавжуд истилоҳлар ўрнига ўрисчасини қўлламасак, бўриб уришадими!

ТВ-радио тили алоҳида мураккаб тил, у кенг оммага айтилади ва омма билан доимий мулоқотдалиги боис бу тил адабий тил билан сўзлашув тили ўрталлигидаги мартабада бўла-ди, ундаги нутқ ишлов берилиб, таж-рибадан ўтиб, хатбошилардан тор-тиб ўқийда ургуларнинг жой-жойи-га қўйилишига қоидалашган тил. У қанчалик равон, жонли тилга қан-чалар яқин бўлса, унга ишлов берил-ганини тингловчи шунча сезмайди. Лекин эшитувчи сезмас экан деб си-диргасига, нафас ростламай, суриб кетавериш инсофдан эмас. Атай ше-вада "воттилаш", "маган-саган", "буйтиб-шуйтиб", "галди-гатти" қилиш (ТВ-радиоде шевада гапир-ган одам атайлаб қилади, чунки у мактабда адабий тилда ўқиган, балодай билади ҳам), ўзидан бошқа шеваларга беписандлик, умуман элга беҳўрматликдан бошқа нарса эмас. Шу-

нинг учун ҳам экранда гапирган одам-нинг, ҳатто талаффузидаги шева ҳам эшитганнинг фашига тегади.

Бугунги кунда чет сўзлар ёзма адабиёт, матбуот, оммавий нашрлар, радио-ТВ, қўнанинг ёзув ва шior-лари, реклама матнлари орқали кириб келаётир. Бир-бир ярим аср бурун авом тили ҳар бири нис-батан ихоталанган шевалардан иборат бўлиб, адабий тил асосан битма кўтибларда муҳрланган, ис-тифодаси мактаб ва мадрасалар таъсирига боғлиқ кечган, бошқа-ча айтсак, ахборот-коммуникация қўламининг торлиги адабий тил тараққийсига ҳам унча ёрқ берма-ган. Ташбосма матбаанинг пайдо бўлиши газетачилик ривожига олиб келди ва натижада адабий тилнинг истифода қўламини кенга-я бошлади. Газета-журнал, кито-бларнинг кўплаб чоп этилиши, кейинроқ радио, ундан сўнг теле-виденининг пайдо бўлиши ада-бий тилни умумтасарруф миқёсга олиб чиқди. Жумладан, матбуот ва телевидение кенг халқ оммасини қамраб олди, ОАВ адабий тилда бўлиши лозимлиги боис, бугунги кунда ўзи шу тил ўргатувчи мар-табасига кўтарилди. Бурунда шior-лар олдинги битмалардан, бахши-лар халқ орасида юриб адабий тилни (минг афсуски, эндида кели-б шева бойликлари каби фольк-лор тилини ҳам адабий тилдан сал мундайроқ кўрамиз, унинг ҳазина-сига маҳлий бўлганимиз ҳолда, адабий тилдан жуда кам фойдала-намиз) ўрганган бўлса (бу гап ҳам

хаводан нафас олган деганга ўхшайди), бугун эса ўргатувчилик-нинг асосий юки ОАВ, ҳусусан радио ва ТВнинг зиммасига тушяпти.

Қизик бир ўрама халқа ҳосил бўлади. Мана, луғат изоҳида ёзади-лар: "Кам қўлланадиган, эскирган, диалектал ва фольклорга оид сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжудлигини тасдиқлаш, уларнинг индивидуал қўлланшини кўрсатиш учун, зарур ўринларда, ўзбек бадийи адабиёти, фольклор ва матбуотдан келтирилган эскирган ва диалектал сўзлардан ўзбек совет ёзувчилари асарлари-

Шаҳсий муноқазалар

да кўп учрайдиганлари, кўчма маъ-нода ишлатиладиганлари ёки мақол ва маталлар таркибида учрайдиган-ларигина олинган сўзлар ёнига те-гишли пометалар қўйилган". Бу изоҳнинг икки жиҳатиға эътибор қилинг: "Ўзбек бадийи адабиёти, фольклор ва матбуотдан қитаталар келтирилган эскирган ва диалектал сўзлардан ўзбек совет ёзувчилари асарларида кўп учрайдиганлари ё мақол ва маталлар таркибида уч-райдиганларигина олинган сўзлар ёнига помета қўйилган" — яъни бу-ларга аҳамиятсиз деган тамга бо-силган: иккинчи жиҳати луғатда сўз шунақа тоифаланган бўлса, демак кўпи "эскирган", "китобий" сифати-да сафдан чиқарилиб, тил бойлик-лари торайтирилган, оқибатда "ба-дий асар" — луғат — бадий асар" тор ўрамаси юзага келган ва бу ўрама ҳозиргача очилай демайди. Шеваларимиздаги сўз бойлиги ҳар бири ўз элатининг кўчасида безъ-тибор қолган. Ҳолбуки адабий тил шева, диалект, лаҳжалардаги сўз захиралари ҳисобига тимнай бойиб, ривож топиб бориши керак. Ишлатилмай ётган захиранинг қўла-ми ниҳоятда кенг. Ҳатто адабий тил-га асос қилиб олинган қарлук-чигил-уйғур шеваларининг (фонетика Тош-кент, грамматикаси Фаргона шева-ларидан) ўзидаги ранг-баранглик ҳам ҳали тўлиғича ўрганилмаган. Сиз Т.Нафосовнинг "Қашқадарь халқ сўзлари", Б.Тўйчибоев ва Қ.Қашқир-лининг "Зоминнинг тил қомуси" деган тадқиқотларини яна бир ўқинг, не-не сўз бойликларимиз қаерларда кўмилиб ётганига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Айна пайтада чет сўз, иборалар-нинг ўринли-ўринсиз тарзда истеъ-молга кириши, гап таркибида сунъ-ий ифодаларнинг пайдо бўлиши чет тиллар таъсири ва коммуникация оқибати ўлароқ тилимизнинг зузилиш ҳолатларининг авом тилигача ки-риб бориши ҳам шулар туйфайлидир.

Аҳмад АБЗАМ

Салим АШУР

БУ ЕРЛАР ЮРАГИМ МУДКИДИР

Кўзиларим иргиллаган сайхонлар,
Юракча ифор сочган райхонлар,
Манглайга кўёш кўнган айвонлар,
Уфқлардан зарлар терган йўлларим,
Сизга соғинч деган мактуб йўлладим.

Қишлоқ чети, сопол синган тепалик,
Саҳарларда шудринг инган тепалик,
Болалигим эшак минган тепалик,
Бойчечакка нурлар тутган кўларим,
Тепаликлар отам каби қўлади.

Гулларида гулдан тутган янтоқлар,
Чўл кушига соя солган шувоклар,
Кафтларимда қаваргансиз, ўроқлар,
Юрагимга олов берган чўлларим,
Болаликда қўй боққандек чўладим.

Таърифласам эриб кетар қаламлар:
Манглайи кенг, кўзи қалдоқ одамлар,
Сочи қора, юраги оқ одамлар,
Томингизга етармикан бўйларим,
Дардингизга дардларимни бўйладим.

Қамишлари шамоллардек шовуллар,
Шамоллари оловлардек ловуллар,
Сақовуллар кириб келган овуллар,
Юлгулардек би-ир гуллаган ўйларим,
Ортга боқиб шул ерларни ўйладим.

Сувга иссиқ нон ботириб еганмиз,
Она, сизни мен боқман, деганмиз,
Ушанга биз чин бахтиёр эканмиз,
Тўрайларга кулги бўлди кўйларим,
Кўрганимча, билганимча кўйладим...

Бу ерлар юрагим мулкидир,
Кўларим мулкидир дала, қир,
Бу ерлар жаннатдан улғидир,
Ҳар тошда ўтирар битта шир.

Бу ерлар ёнинган кўрпамдир,
Думалаб-думалаб ўсганман,
Бу ерлар жигарим, ўпкадир,
Совуқдан, иссиқдан тўсганман.

Иссиғи... ай, уни айтмайман,
Биласиз, қайнайди қумда чой.
Борсам-чи, кўймасам қайтайман,
Қалбимдан кетмайди оппоқ ой.
Ай... азиз офтобда килқиллаб,
Денгиздек тўшалган кумин шу.
Бошимни ҳар қалдоқ қафт силаб,
Меҳнатсиз ўтмаган куним шу.

Йўлимга кўз тиккан онамдек,
Эшикка суянган йўлларим,
Узини таниган боламдек,
Илк бора титради кўларим.

Кетаман, ортимдан эмакляб,
Онамдек эргашган шамоллар.



Рўмоли четини тишлаган
Онам, холам, аммам... Аёллар...

Кўзлари оғриди куракда,
Ухласам юракка богади.
Кўз очсам туғилган тўшақда,
Умримда мовий тонг отади.

Оқ кунлар имиллаб чўзилар,
Капалак соясин қувади.
Далада туғилган кўзилар
Ҳилини ёмирилар ювади.

Шалоббо бўлади уст-бошим,
Атирдан гуркирар ҳамма жой.
Мен билан тортишиб, талашиб,
Уйгача киради сақич лой.

Бу ёмғир, бу лойлар меники,
Меники атирли қиёқлар.
Ястанган бу жойлар меники,
Меники кўкарган байроқлар!..

Қалбимга ҳаволар киради,
Кўзимда порлайди наволар.
Кўксимда одимлар юради,
Изимга эргашар маъволар.

Мен кимман, не учун бу тупроқ,
Бу осмон бунчалар суюмли,
Бу қозон бунчалар ярқирок,
Бу қозон бунчалар кўрими.

Юлдуздек терилган гилослар.
Дилдини қитиқлар шафтоли.
Гулларда атласдай либослар.
Қизларнинг чиройли саволи...

Боболар чой хўшлаб мудрайди,
Момолар кўлида урчуғи.
Набира тераклар титрайди,
Сандалда қишларнинг кўр — чўғи.

Чанқовуз дилимдек дириллар,
Қашталар ҳаётга чирмашган.

Қалдирғоч қабоқда пириллар,
Игналар ип билан сирлашган...

Хас-хашак, ҳар кесак, ҳар тошни
Танийман, улар ҳам танийди.
Юзимга ранг берган кўёшни,
Кўксимдан қўймасам қанийди.

Ана, кўр, зовурнинг бўйида
Бир сизир судрайди арқонни.
Болакай сўзларинг кўйида,
Илк бора танийди армонни.

Эй, сен-эй, тилимга безавол,
Томчилар томизган шаршара.
Атрофда қанчалар кўрк, жамол,
Ҳаёт деб аталган манзара.

Мен нега бунчалар боғландим,
Тўхтамас кўзимда севгилар.
Қаёққа, қаёққа чоғландим,
Воҳ, бошим шу шўрга эгилар.

Отамни шу ердан топаман,
Онамни топаман шу ердан.
Шу ердан уйимга чопаман...
Шу ердан, шу ердан, шу ердан.

Шу ердан!..

Етишмайди баъзан олов,
Баъзан гутурт, баъзан ўтин.
Сув излайди баъзан биров,
Улов излар кимдир, лекин...

Баъзан йўллар ўйдим-чўқур,
Узгаради турмуш секин.
Ҳали кимдир қилмас ҳузур,
Кимдир камроқ кулар, лекин...

Тушунмайди баъзан ҳаво,
Баъзан тушунмайди экин.
Баъзан сувга оқар даво,
Кечикади дармон, лекин...

Лекин ҳали уфқларда
Жаннат каби кунлар кутар.
Гуллар кунлар совуқларда,
Қушлар ҳали тилла ютар.

Фарзандларим бол едиллар,
Гулда сузар қора ерлар.
Буни азиз юрт дейдилар,
Буни азиз Ватан дерлар.

ВАТАН

Онам каби суйкалсам сизга,
Ўзим каби эркаласайдим.

Қизим каби суйсайдим сизин,
Отам каби суйясам сизга.

Жимжилоғим ёки қулоғим,
Гоҳ сирдошим, гоҳо ўртоғим.

Гулдан янроқ тўкилар, сиздан
Тўкилади хушбўй-хушбўй гул.

Жамолини битта кўрай деб
Юрагимни тешади булбул.

Тирик одам учун энг муҳими — юрак. “Ботирилик” ва “кўрқоқлик” хислатлари “юрак”дан туғилади. Халқ ботирини “юракли”, кўрқоқни эса, “юркасиз” дейди.

Раҳмдиллик, бировнинг қай-ғусига ҳамдардлик каби олижаноб инсоний фазилатлар юрак туйғусидир. Шошқалоқлик ҳам юракнинг иши. Агарда, тил юракнинг айтганига кўнса, ёлгон сўзламайди. Бордию тил алдаётган бўлса, ўз-ўзидан, юрак ҳам алданмоқда.

Довжурок инсон юрак амрига амал қилади ва бир сўзли бўлади: у карвоннинг ортидан ит каби эргашавермайди, балки йўлдан адашганлар отининг бошини тўғри йўлга буриб юборишга ярайди.

У ҳақиқат олдида бўйсунушга ҳаммиша тайёр. Ноҳақлик ол-

ҳарат қиладилар. Мен инсон кучининг нимага қодирлигини биламан ва илмининг тилини тушунаман. Ахир, қандай қилиб мен билан баҳслашиш мумкин, модомики, одамлар менсиз фойда ва зиёни фарқлай билмасалар, балою офатдан халос бўлишга чора топмасалар, қандай қилиб илм олишни тушунмасалар?..

Шунда Юрак чидай олмабди: — Мен — инсон ҳаётининг подшоҳиман! — хитоб қилибди у. — Мен томирларга қон югуртираман, жон менинг ичимга ватан қуради. Айнан шунинг учун менсиз тириклик йўқ! Мен иссиқ уйда, юмшоқ ўринда ётган, томоғи тўқ одамларнинг уйқусини бузаман, уларни қашшоқ, оч-юпун ва бошпанасиз одамлар тақдирини учун изтироб чекишга мажбур қиламан. Мен туйғули катталарга ҳурмат, кичикларга иззат барқарор. Бироқ одамлар

АБАЙ

ЮРАК АМРИ БИЛАН

“Қора сўз” асаридан

мени тоза сақлай олмайдилар ва оқибатда хор бўладилар. Мен тоза бўлсам адаштирамайман: яхшиликдан қувониб, эриб кетадиган мен, ёмонликдан жирканиб, юз буриб, аразлаб кетадиган мен. Адолат, инсоф, ор-номус, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат деган фазилатларнинг барчаси мендан чиқади. Менсиз одамзотнинг кўрган кунини курсин! Бас, шундай экан, анави иккаласи мен билан нечун талашади?

Уччаласининг ҳам сўзини эшитиб бўлгач Билим шундай дебди: — Эй куч, сенинг барча айтганларинг ҳақиқат. Сен айти дамда ўзининг яна кўп хислатларининг эсламадинг. Сенсиз бу ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ баъзан сенинг имкониятларинг одамлар учун зулму шафқатсизликка эврилади. Сенинг чангалинг қаттиқ, ушлаган жойингни узиб оласан. Ноҳақлик тарафидан бўлсанг — балою кулфат келтирасан. Сенинг яхши хислатларинг кўп, бироқ буюз қилиқларинг ҳам оз эмас. Шуниси ёмон-да.

Эй, Ақл, сен ҳам тўғри сўзладинг. Сенсиз одамнинг ҳеч нарсага эриша олмаслиги рост. Табиат, ҳаёт ва руҳият сирларини кашф этиш неъматини сенга ато этилган. Ҳатто Яратганни ҳам бандаларга сен танитасан. Сен икки оламдаги ҳаёт сирларини ҳам эгаллагансан. Бироқ бу ҳам сени қониқтирмади. Шумлик ва макру хийлани урчидинг. Икки оламдаги хазиналар эшигини очиш калити сенда, айнан шунинг учун ҳам яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам сенга суюна бошладилар. Фожиа шундаки, сен буларнинг ҳам, уларнинг ҳам истакларини бажо келтиришга ҳаммиша тайёрсан. Шу ишинг ёмон.

Инсон учун қайси бирингиз муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқлаб беришимни сўраб менга мурожаат қилган экансиз, тўғриси айтман. Бироқ мен сизларни бир-бирингизга қарама-қарши қўймаган эманман.

Ҳар доим раҳнамонгиз Юрак бўлсин. — Сен, Ақл, кўпқиррали ва турли қиёфалисан. Юрак сенинг ҳар бир қароринг ортидан эргаша олмайди. У яхши фикрингни маъқуллайди ва жон деб уни бажаришга ҳаракат қилади. Ёмон ниятингни эса, умуман қабул қилмайди ва буниг учун нафратланиб сени уйдан қувиб чиқаради.

Сен эса, Куч, қудратли ва чўртқесарсан. Юрак сени ўз эркинга қўймайди. Яхшилик учун сени аямай ишлатади. Ёмонлик учун ишламоқчи бўлсанг, йўлингни тўсади.

Барчангиз бошингизни бир ерга қўшиб, бирлашингиз ва юрак амрига бўйсунингиз. Барчангиз битта одамда мужассам бўлсангиз, юрак йўлбоши бўлади. Унинг қадмидан чиққан чанг кўрларнинг кўзини очади.

Агарда сиз келиша олмасангиз, унда мен Юракни, инсон

дада, қанчалик қийин бўлса ҳам, бош эгмай тура олади. Ботир, мард ва жасур, кўрагида бўрининг юраги эмас, инсоннинг титраб, ҳаяжонланиб турувчи юраги бор одам шундай бўлади.

Козоқ ҳам хом сут эмган одам болаларидан бири. У ҳам бошқаларга ўхшаб ҳаётда адашиши мумкин. Нодонлиги учун эмас, балки ақл-идроққа қулоқ солмаганидан, ақлининг сўзини ўқиб олишда юрагида ғайрат-шижоат етишмаслигидан адашади.

Бехосдан ёмонлик қилиб қўйганимни билмай қолдим, деган кишиларга ишонмайман. Кўпинча бундай ҳолат иродасизлик ва ор-номуссизлик туйғули содир бўлади.

Ёмонликка бир марта кўл ургандан кейин, ундан қутулиш мушкул. Ёмонликдан қайтиш жасорати ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Зўр йигит, полвон йигит, абжир йигит... деган олқишлар билан “Олга, ботириш!” дея гўр йигитларни балага йўлиқтириб, жувонмарг қилганларнинг ҳам гувоҳи бўлдим.

Узини бошқара олмай, қабилликка кўл урган, ор-номусини йўқотган, уятсиз йигитни йигит деб бўладими, одам деб бўладими, ахир?!

Куч, Ақл ва Юрак қай биримиз инсонга кўпроқ керакмиз, дея баҳслашиб қолишбди. Улар бир фикрга келиша олмасликлариға амин бўлиб, бу масалани ечиш учун ёрдам сўраб Билимга мурожаат этишибди.

— Сўзимни тингла, Билим, — дебди Куч, — захматли меҳнатсиз маҳоратга ҳам, бойликка ҳам эришиб бўлмайди. Фақатгина мен одамни энгилтликлардан, инсон шаънига мос келмайдиган беъаъни ишлардан, беғам сувиша ружу қўйишдан асраб қола оламан. Фақатгина мен уни руҳан тушкун бўлишига йўл қўймайман ва ҳаттоки куппа-кундуз кунини ҳам йўлдан адашган одамларни тўғри йўлга қайтараман. Эшитипсанми, Билим! Одамлар менинг ғайрат-шижоатим шарофати билан бедор ва захматли меҳнатлариға эвазига сени эгаллайдилар. Демак, бундан келиб чиқадики, ўз тараққиётинг учун сен ҳам мандан қарздорсан. Тунлари уйку, кундузи чарчоқ нималигини билмай меҳнат қилганлари туйғули одамлар худони танишади, ўзлигини англашади. Бунинг учун улар мандан қарздор. Қани, айтчи, Билим, анави иккаласи нима учун мен билан баҳслашмоқда?..

Шундан сўнг Ақл сўз бошлабди: — Инсон учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам нима фойдали ва нима зарарли эканини биладиган менман. Ахир, абадий ҳаётнинг асоси шунда эмасми? Одамлар менинг изиммида

вуҷуди ва руҳининг подшоҳини ёқлайман. Хайру барақа шунда, юрагингни тоза сақла, Аллоҳ таоло ҳаммиша юрагинга боқадди. Илоҳий китобда шундай ёзилган!

1. Одамнинг одамгарчилиги ишни қандай бошлаганидан билинади, қандай битирганидан эмас.

2. Кўнгилдаги кўркам ўй оғиздан чиққанда сирини қочади.

3. Ҳикматли сўзларни ўзбошимча нодонга айтганингда кўнглинг ёнади ҳам, ўчади ҳам.

4. Яхшиликни билганга қайши, ношукурга қайишмоқ қадри ерга урмоқдир.

5. Отасининг боласи — одамнинг душмани, одамнинг боласи — жигаринг.

6. Мард кўп сўраса ҳам озга рози бўлади, номард оз сўрайди, ортиқча берсанг ҳам рози бўлмайди.

7. Фақат ўзинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни ғамидан ўтлаган ҳайвонлардан бири бўласан, инсоният равақи учун меҳнат қилсанг, Аллоҳнинг сеvimли бандаларидан бири бўласан.

8. Суқротга заҳар ичтирган, Жанна д’Арқи ўйда ёндирган, Исони хочпарчин қилган ким? Оломон. Демак, оломоннинг ақли йўқ. Эвини топда уни ҳақ йўлга сол.

9. Одам боласини замон вояга етказадди, кимда-ким ёмон бўлса, бунинг учун унинг замондошларининг барчаси айбдор.

10. Агар қонун қудрати менинг қўлимда бўлса эди, одамнинг феълини тузатиб бўлмайди деган кишининг тилини кесар эдим.

11. Дунёда ёлғиз қолган одам — одамнинг ўлгани. Ҳам-қайғунинг бари шунинг бошига тушади. Дунёда ғам-ташвиш ҳам кўп, бироқ қизиқарли эрмак ҳам кўп. Биринчисига ким чидайди? Иккинчисидан ким ўлмайди?

12. Кимнинг бошига ғам-ташвиш тушмайди? Умидни узмоқ — матонатсизлик. Дунёда ҳар нарсага интихоси бор, ёмонликнинг ҳам охири йўқ, деб ким айтади? Қалин қорли қаҳратон кишининг ортидан кўм-кўк майсалари мўл, ёмғирини кўл кўклам келмайди, ахир!

13. Аччиқланиб бақирганинг зиёни йўқ, Ҳазабланиб индамагандан кўрқ.

14. Бахт ва шодликдан кўпчилик бошини йўқотиб қўяди, мингдан бир кишигина халқ олдида оҳиш бўлиб кўринмаслик учун хотиржамлик билан эс-хушини сақлаб қолади.

15. Агар меҳнатини унсин десанг — ишинг кўзини топ.

16. Шон-шухрат — баланд чўққи, Сабр-тоқат билан ўрмалаган илон ҳам унга тирмашиб чиқади. Тарқоқ эл чўққиға чиқмагани мақтайди, йўловчилар буни чин деб ўйлайди.

17. Дунё — улкан уммон. Вақт — тўхтамай елаётган шамол. Олдиндаги тўлқинлар — ажодлар, орқадаги тўлқинлар — авлодлар. Уларнинг давомийлигида абадий ҳаёт яшайди.

18. Бахти ортиқ подшоҳдан ақли ортиқ фақир яхши: Соқолини сотган қаридан меҳнатини сотган бола афзал.

19. Тўқ тиланчи — одамнинг шайтони.

Илмсиз сўфи — мўлтончи.

20. Ёмон дўст сояға ўхшайди. Пешонангга кун туғса, қочиб кутула олмайсан, бошингга булут тўпланса, излаб топа олмайсан.

21. Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш. Қайғусиздан узоқ қоч, қайғулига қучоқ оч.

22. Боғинг униб ўсганча бутун эл сенга тилақдош бўлади. Боғинг униб ўсгандан сўнг мевасини ўзинг ейсан.

Қозоқчадан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси.



Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА

КУНУ ТУН АЙТАР ЎЛАН



УЧРАШУВ

Ҳисор тоғнинг ортига
Беркинганда қундузлар,
Қашқадарё бағрига
Оқиб кирди юлдузлар.

Оқ тераклар сочида,
Табриқмоқда тўлиб ой.
Олтинранг буғдойзорлар
Ойга улашар чирой.

Зумрад беданоялар
Бағрида ухлар қушлар,
Шамолга тил кўрсатиб
Шовуллайди қамишлар.

Дайравотда илонлар
Сирлашар балиқ билан.
Чигиртка моҳир куйчи—
Куну туи айтар ўлан.

Бойчиборлар кишнаиди,
Тошларга уриб тақа.

Кўлмакка кўрк бахш этар
Хуш овозли қурбақа.

Олис қишлоқ бағрида
Бир-бир ўчар чиқроқлар.
Қил кўприқдан ўтгач ёр,
Яқин бўлар йироқлар.

Ёнимга ёр келганини —
Макқора ой кузатди.
Сездирмасдан менга ёр
Қизгалдоқни узатди.

ШОИРЛИК

Шоирлик бу — ором эмас,
Бедорликдан бедорликдир.
Шоирлик бу — хурлик эмас,
Беҳиштда ҳам беморликдир.

— Шеър, аслида кўҳна замин,
Юрак зарбин жарангоеси.
— Шеър аслида мангу ўчмас
Огоҳликнинг алангаси.

— Эй, Фароғат, бефароғат,
Унда шоир ким бўлар айт?
— Минг аср сўнг эсласанг ҳам,
Тош қабрда тирилган байт.

ХАТ

Кетдим... билмасам-да борар еримни,
Мен севиб юракни олдиридим.
Кўнглимни қолдириб уйимда,
Калитни қўшига қолдиридим.

Тишингизни тишланг, борманг ортимдан,
Андуҳа тўлса ҳам кўнгли халтангиз.

Фақат муҳаббатим рангида бўлсин,
Унутган кунингиз қийган палтонгиз.

Асли, сиз мен учун йиғламанг, йўқ-йўқ,
Кечиккан севгимга ўзимман қурбон.
Ҳар тонг бағрингизга босиб қўйинг жим,
Менсиз ичикмасин яшил соябон.

Ҳар тонг дон улашинг қабутарларга,
Қўёшинг кўларинг ўзини дераза.
Атиргул сувига ухлаган чўмлаиб,
Бўғмасин ўн беш йил олдинги қасам.

Майли, шеърларимни сочинг шамолга,
Боғларга улашинг қўйлақларимни.
Туйғулларим артар бир гард қолдирмай,
Соғинчлар тўкилган йўлақларимни.

Оқ туйлар келади хузурингизга,
Армон деган уюр, оқ отлар борар.
Кечиккан умримнинг аравасида,
Кўк рўмол ўраган — оқ хатлар борар.

Энди осмонимга қайта кўз тикманг,
Кетдим, кўнглингни элган ёмғирдай оқиб.
Сувратимни солманг чўнтагингизга,
Ойнинг ўчоғида юборинг ёқиб.

ҲИҚМАТ

Бунча ҳиқматларинг жумбоқли, дунё,
Ечолмай, кўзёшим оқар тоҳи дув.
Ўз боласи қолиб қай бир шоғирди,
Устозин оғзига томизаркан сув.

Қайси бир ҳиқматинг, қай бир ҳасратинг,
Куйга солсам, фақат инграйверар соз.
Бу қандай ибратдир, қандай буюқ шон, —
Туриб, шоғирдиға жой берса устоз...

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбек ва жаҳон кино санъати тарихига назар ташласак, ноодатий услубга эга, фалсафий мушоҳадага чорловчи мураккаб, баъзида содда, тез "ҳазм бўлади" ган оммабоп сюжетларни учратамиз. Маълумки, ҳар бир мамлакат киноси ўзига хос мактабга эга бўлиб, суратта олинган филмларнинг сюжети шу миллатнинг руҳияти, анъана ва услубларига таянади. Айтайлик, рус киноси драматик кескинликка мойиллиги, ҳинд филмлари романтик саҳналар, ижтимоий зиддиятларга асосланган, француз картиналари эса экцентрик ҳолатлар, гаройиб ҳодисотлар орқали кулги уйғотиши билан эътибор қозongan. Ўзбек киносига хос хусусияти эса инсоннинг ички дунёси, ҳиссиётларини юзага чиқариш, тафаккур ва руҳиятини намоён этиш десак тўғри бўлмайди. Қолаверса, бизнинг кинода меҳр-оқибат, бағрикенглик, аҳдга вафо, садоқат сингари инсоний фазилатларни тараннум этиш яхши анъанага айланган. Уруш йиллари ўн тўрт етимга меҳр бериб, воёга етказган Маҳжамовлар оиласи ҳаққидаги "Сен етим эмассан", бутун қишлоқни ўз оиласи деб билган меҳр-мурувватли ўзбек аёлига бағишланган "Суянци" каби кўплаб филмларда бу жиҳат яққол кўзга ташланади.

айланди. Филмда ташқи зиддиятлардан кўра ички драматизм кучли. Бош қаҳрамон Ҳамид (Н.Тўлаҳўжаев)нинг руҳий эврилишлари, пинҳоний ҳислари, онгу шуурида кечадиган изтироблар томошабинни чуқур мушоҳадага ундайди.

"Илова"нинг сюжети ниҳоятда мураккаб, тасаввурда сингиб кетиши қийин бўлган ранг-баранг эпизодлар асосига қўрилганки, бу маъжозларни фаҳмлаш, илғаб олиш осон эмас. Мисол учун филмнинг машҳур "Жаконда" портрети билан бошланиб, яқунда шу асар тасвирланган суратнинг шамолда тўзиб кетиши томошабини чуқур мушоҳадага чорлайди. Шунингдек, кўча ўртасида одамларга сутра, тўсиқ бўлиб ётган тош, Минотавр ҳақидаги афсона, зулмат хонадаги ярми ёпиқ телевизорлар, шахмат ўйинининг қора доналар билан бошлангани каби рамзий ишоралар ҳам воқеалар ривожига муҳим ўрин тутайди.

Айниқса, филм ечимининг афсона-мифлар асосида рамзий талқин қилиниши "Илова" сюжет жиҳатидан ноанъанавий шаклга эга эканини кўрсатади. Бир умр ҳаёт сўмоқларида дарбадар кезадиган Ҳамид тақдирнинг чалқаш йўлларида қичиб кетиш истагида ҳовли ўртасидан ип тортиб, лабиринт асайди. Барча-барчасидан халос бўлиш, "дод" солса дунёни титратувчи юрагини тўкиб солиш илнжиди ука-

дан ҳинда ўшаб кетувчи йигит билан танишиб қолиши нотабий чикиб, бу воқеаларнинг кейинги ривожига мантикий асос яратмаган.

Шундай филмлар борки, уларнинг сюжети руҳий майлларни жунбушга солиб, ҳаётини ранг-ринглик, бахтиёр лаҳзалардан йироқ, тунд кайфият, тушқун манзара, беаёв зарбалар ила томошабинда ачиниш ҳиссини уйғотади. Ҳотам Файзиёвнинг "Ёзисиз йил" филми фикримизга мисолдир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, филмнинг муваффақиятини айнан таъсирчан сюжет таъминлаган. Ёз билан боғлиқ маъжоз филм қаҳрамонлари, айниқса, Собир тақдирда мўмин ўрин тутайди. Маълумки, ёз инсон умрининг навқиронлик пайтига қиёс қилинади. Собир эса йигитлик завқидан маҳрум, гўё ёздан бенасиб. Шу сабаб унинг йиллари ёзисиз, ҳаёти эса нурсиз, зейисиз. Умид, тасалли берувчи ширин ёлгонларнинг севди, қопа-қора, зулмат кўчалардан миттигина нурни ахтарайди. Тасассуфи, фалақдаги беадок юлдузлар орасида унинг олдузи порламайди. Хафта вужуд, шикаста, қалб тузалмайди. Барча ёзғириш, изтироблар аёзли қор бағрига сингиб, муздек сувга, аниқроғи юм-юм ёшга айланиб эриб кетади. Филм сюжети таъсирчан эпизодларга бой, воқеалар динамикаси,

ЮСУФЖОННИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИ

Истиқлол замони яратган эркин ижодий муҳит, у ҳоҳ катта шахарларда, ҳоҳ олин қишлоқлар бағрида бўлсин, чинакам истеъдод булоқларининг қўзини очмоқда. Ҳи олти ёшли Юсуфжон Келдиёров ҳам шундай истиқдорли ёшлардан. У маҳобатли рантасвир услубида чизган расмлар, ясаган турли ҳайкалчалар ҳақида туман марказида маънавият фаолларидан эшитиб, Юсуфжон билан танишиб суҳбатлашни истаги туғилди ва биз Тошгузар — Бойсуи — Қумқўрғон темир йўли ёқасидаги Каттақишлоққа йўл олдик.

Истеъдод куртақлари

Оддий қишлоқ кўчасидан бўрилиб, Фаффор Келдиёров дарвозаси олдида тўхтаганимизда, йўл ёқасида узунасига тикланган ҳовли девори чорбурчак саҳналарга бўлиниб, уларга турли сюжетлар асосида ишланган маҳобатли рантасвир чизмалари эътиборимизни тортиди. Уларнинг бирида чашмадан обиҳаёт ичаётган она қийик ва унинг улқочалари, яна бирида эса тоғ этагидаги адирларда иргилиб юрган арғумоқлар тасвирланган. Мовий кўк оғзида сузиб юрган олпоқ булутлар, атроф-жавониб манзаралари, қўйингки, ҳар бир детал жойида. Навбатдаги яна бир расмда эса сумалак пишираётган оғзоқлар, аёллар, сурнай чапайган чўпон бола ва рақсга тушайотган жажжи қизалоқ, гуллаб ётган ўриқлар тасвирланган.

Юсуфжон Келдиёровнинг навбатдаги бўртма композициялари ҳам ниғоҳингизни сеҳрлаб қўяди ва улардан узоқ вақт кўз узолмай қоласиз. Мана, бир расмда у "Алломиш" дostonи сюжетларига мурожаат қилиб, ҳалойик олдида алп отасининг етими икки ботмонлик камонини даст кўтарган етти ёшли Ёдгорнинг жасоратга йўғрилган лаҳзаларини ифода этган. Юкса тоғлар этагидаги гулу лолаларга бурканган адирларда қўйқўзи боқайтган чўпоннинг оқ ўтовни, ана шу манзараларга боқиб турган кекса онахоннинг сураати ҳам бир-бирига ғоятда мутаносиб ишланган. Юсуфжон асрий қишлоқларимиз қиёфасини тамоман ўзгартириб юбораятган аяни лойиҳадаги намунавий уйлариимиз гўзаллигидан олган таассуротларини ҳам терган идрок этиб, уларни ўз расмларида болаларча беғубор ниғоҳ билан тасвирлаган.

Турли ранглар билан жило берилган бўртма шаклдаги тасвирларда тоғ этагидаги чашмадан сув ичаётган охулар, чўпон бола, чўл қишлоғи манзаралари, отлар, туялар, қўй ва эчкилар, қўйингки, эндигина ўн олтига тўлган ўсмирнинг ниғоҳи илганган ва қалбида ҳайрат солган нимакими бўлса, ҳаммаси деворий расмларга нақшланган.

Юсуфжон Келдиёровнинг навбатдаги бўртма композициялари ҳам ниғоҳингизни сеҳрлаб қўяди ва улардан узоқ вақт кўз узолмай қоласиз. Мана, бир расмда у "Алломиш" дostonи сюжетларига мурожаат қилиб, ҳалойик олдида алп отасининг етими икки ботмонлик камонини даст кўтарган етти ёшли Ёдгорнинг жасоратга йўғрилган лаҳзаларини ифода этган. Юкса тоғлар этагидаги гулу лолаларга бурканган адирларда қўйқўзи боқайтган чўпоннинг оқ ўтовни, ана шу манзараларга боқиб турган кекса онахоннинг сураати ҳам бир-бирига ғоятда мутаносиб ишланган. Юсуфжон асрий қишлоқларимиз қиёфасини тамоман ўзгартириб юбораятган аяни лойиҳадаги намунавий уйлариимиз гўзаллигидан олган таассуротларини ҳам терган идрок этиб, уларни ўз расмларида болаларча беғубор ниғоҳ билан тасвирлаган.

Юсуфжон Келдиёровнинг навбатдаги бўртма композициялари ҳам ниғоҳингизни сеҳрлаб қўяди ва улардан узоқ вақт кўз узолмай қоласиз. Мана, бир расмда у "Алломиш" дostonи сюжетларига мурожаат қилиб, ҳалойик олдида алп отасининг етими икки ботмонлик камонини даст кўтарган етти ёшли Ёдгорнинг жасоратга йўғрилган лаҳзаларини ифода этган. Юкса тоғлар этагидаги гулу лолаларга бурканган адирларда қўйқўзи боқайтган чўпоннинг оқ ўтовни, ана шу манзараларга боқиб турган кекса онахоннинг сураати ҳам бир-бирига ғоятда мутаносиб ишланган. Юсуфжон асрий қишлоқларимиз қиёфасини тамоман ўзгартириб юбораятган аяни лойиҳадаги намунавий уйлариимиз гўзаллигидан олган таассуротларини ҳам терган идрок этиб, уларни ўз расмларида болаларча беғубор ниғоҳ билан тасвирлаган.

КИНО — ТАҢ, СЮЖЕТ — ЖОН

Эътиборли жиҳати, муштақлик йиллари суратга олинаётган филмларда сюжетнинг турфа шакллари, мазмун ва ифоданинг янгича услублари пайдо бўлмоқдаки, бу албатта миллий кино санъатимизнинг миёёси ва қамрови кенгайиб бораётганидан далолатдир. Бугунги киножараёнда кўплаб катта-кичик режиссёрлар сюжетга анъанавий ёндашувдан чекланиб, соф реалистик, фалсафий-рамзий, экцентрик, фантастик, руҳий-психологик жанрдаги филмларни суратга олишга интилаётгани муҳим ҳодиса.



"Кўрғошин" филмидан лавҳа.

Замонавий ўзбек киносида сюжетнинг оригинал, ўзига хос шакли танқили кинорежиссёр Зулфигор Мусоқов ижодида яққол кўзга ташланади. Режиссёрнинг "Абдуллажон", "Бомба", "Яратган шукр", "Қичкина табиб", "Осмондаги болалар", "Ватан" каби машҳур филмлари безарз юмор орқали инсон ҳаётининг мураккаб жиҳатларини бадий-таъсирчан ифода қилади. "Ватан" филмида уруш домига тортилиб, барча орзу-хавасларидан мосуво этилган Курбон исмли йигит тақдирини мисолида халқимиз ҳаётининг оғир йиллари очиб берилган бўлса, миттигина болақайнинг гаройиб мўъжизалари ила катталар қалбигади иллатларни даъволаши "Қичкина табиб" картинасида қизикarli воқеалар тизимида акс эттирилади.

Ижодкорнинг "Кўрғошин" номли филми яқин ўтмиш манзараларини қамраб олиши, реалистик ёндашув жиҳатидан режиссёрнинг аввалги картиналаридан фарқ қилади. Филм сюжетида одатий композициядан воз кечилган бўлиб, воқеалар собиқ раҳбар Рим Марлен (Т.Мусоқов) еафоти олдиндан хотиралари ёзилган кундаликни ўғлига топшириши билан бошланади. Каттагонга ўраб, шафқатсизларча отиб ташланаётган зейли инсонларнинг ўйчан ниғонидан тортиб, "дохий"нинг вафотигача бўлган барча тафсилотлар Марлен кундаликлари орқали намоён бўлади. Бироқ асар воқеалари пайдар-пай, тадрижий изчилликда ривожланмай, гоҳ тескари, гоҳ тақрорий фикрга ундовчи кадрлар, бетартиб саҳналар, мантиксиз эпизодлар учраб қоладики, буларнинг барча мустабид даврининг аянч манзарасидан ҳикоя қилувчи ўткир драмма маъишии тўзи беради. Масалан, бош қаҳрамон Умар Қодиров (Б.Йўлдошев)нинг эри жангоҳдан тирик қайтган Гулбаҳор (Н.Каримбоева) билан сой бўйида гинахонлик қилиши, фронт ортида туриб, аёлига бирорта мактуб ёзмаган эрининг азбаройи садоқатини исботлаш мақсадида қоятош янглик қўзига битилган хатларни ўқитиши каби эпизодлар умумий воқеалар оқимига боғланиб кетмайди. Ваҳоланки, сюжет талабларига кўра, воқеа асосини мантикийлик, шакл аниқлиги ва ўзаро уйғунлик ташкил қилмоғи лозим.

"Кўрғошин"да давр ва муҳит манзарасига мос тушадиган бадийи қўйма образларнинг етишмаслиги сабаб ҳужжатли филмларга хос хусусият етакчилик қилиб, филм воқеалари ўтмишининг маъму хотираларига айланб қолгандек таассурот уйғонади. Аниқроғи, филмга тарихий ҳақиқатни эркин ифодаловчи бадий сюжет, таъсирчан эпизод етишмайди. Ёдингизда бўлса, "Ватан" филмида урушдан тирик қайтган Курбон хотини вафот этганини кўриб, аламини зўрга ютганча, камтарона лутф қилади: "Мени бир оз кутиб турмабсан-да, Гунафша. Юзингдаг сепкилларингни жуда соғинган эдим". Томошабинни мутаасир қилиш, уруш келтирган фожиани ҳис қилиш учун шу биргина сўзининг ўзи етарли, қий-чў бўлаётган жангоҳни кўрсатиш, совуқ қуролларнинг ноҳус овозини эшиттириш ҳам шарт эмас. Негадир "Кўрғошин"да шу каби жонли, таъсирли лавҳалар кўринмайди.

Ўзбек киносида муаллифлик филмлари орқали сюжетга янгича ёндашаётган ижодкорлардан бири Ёлқин Тўйчиевдир. Режиссёр ижодида фалсафий-психологик образлар, мураккаб тўқима рамзлар, метафорага бой тимсоллар кўп учрайди. Масалан, "Орзу ортида", "Чашма", "Афрон" сингари картиналарнинг сюжети одатий талқинлардан фарқ қилади. Айниқса, сюжет композициясининг янгича тузилиши жиҳатидан "Илова" картинаси миллий кино санъатимизда чинакам воқеликка

си меҳр бериб катта қилаётган бухани, яъни тасаввурдаги Минотаварни қавақлаб, гўё жирканч тутумларни шууридан қувиб қарадию, ботини покляниб, она қорнида шаклланаётган эмбрион, гўдак мисол гўжнак бўлиб кўрпа-тўшақда осуда уйқуга кетади. Сўбҳидамда, оқ йотқада уйғониб, "оиласи билан яъний кайфиятда, ажиб табассум ила нонушта қилади. Филмда оддий кўз билан кўриш қийин бўлган бу каби рамзий лавҳалар талайгина.

Катта авлод ижодкорлари ортдан миллий киномизга кириб келган истеъдодли режиссёр Аюб Шаҳобиддинов ҳам сюжет борадисда одатий андозалардан қочишга, фалсафий-романтик, руҳий-ботиний тасаввурдаги филмларни суратга олишга ҳаракат қилмоқда. Унинг бу йўлдаги изланишлари илк бор "Утов" картинасида яққол кўринганди. Таъкидлаш лозимки, филмда шарқона тарбиянинг инсон аслиятини покляшдаги ўрни ҳар бир деталда ишонарли очиб берилган.

Аюб Шаҳобиддиновнинг ёзуви Эркин Аъзам сценарийини асосида суратга олинган "Паризод" филми ҳам турли бахс-мунозараларга сабаб бўлди. Адабий матннинг пухталиги, поэтик ташбеҳ ортидаги залворли фикрлар, кинобоп тимсоллар мавжудлиги режиссёр сценарий танлаш бобида тўғри йўл тутганини кўрсатади. Шу билан бирга, режиссёр киноқиссадаги юксак ҳаёлотни кино тилига кўчиришда сюжет имкониятларидан тўлиқ фойдаланган деб бўлмайди. Мисол учун, тилсиз-забонсиз Паризоднинг руҳиятида қандай сир яширин экани, маъсуа қизнинг турмуши мавҳум бўлиб қолган.

А.Шаҳобиддиновнинг нафақат адабий, балки режиссёрлик сценарийини асосида суратга олинган "Кечиккан ҳаёт" ва "Турист" филмларида воқеалар сунъийликка қурилиб, қаҳрамонлар табиати, феъл-атвори нотабий экани сезилиб қолган. "Кечиккан ҳаёт"да Шаҳодат (Д.Қубаева) ва Гамлет кассоб (Б.Йўлдошев)нинг ўзаро танишиб, оила қуриш жараёни шунчалик тез, тушунарсиз кечадики, на тиждада воқеалар сохталашиб, сюжетдан табиийлик йўқолади. Пичоқ билан боғлиқ рамзий детал мақсадли топилиб, инсоният бошига ўлим, кулфат солувчи совуқ қурол эмас, меҳр, самимият, турмуш ришталарини бөлговчи восита сифатида хизмат қилган. Аммо мазкур ишора фақат Шаҳодат ва Гамлет кассоб қисматига дахлдор эканлиги, Отелло лақабли йигит фитратига монанд фалсафий кўримларнинг йўқлиги сюжет мазмунини хира тортирган. Яқиндагина тақдироти бўлган "Турист" картинасида ҳам шу каби муаммолар мавжуд. Рухшона исми қизининг кўриниши

қаҳрамонлар тақдирини томошабинни ҳаяжонга солади. Беихтиёр ўша оғир муҳитга тушиб қолиб, Собирнинг дардига елкадош бўлгингиз келади. Энг муҳими, бахтли лаҳзалар, ёшлик йилларининг кадрига етасиз.

Давлат буюртмасига асосан суратга олинаётган филмларда сюжет яратиш борасида ўзига хос изланишлар кечаётганини эътироф этиб, хусусий киностудиялар томонидан суратга олинаётган филмларда сюжет қулга ва тақлид замирига қурилаётгани, мантиксиз, ишонарсиз кадрлар қўлайиб, қинонинг бадийи жозибаси сусайиб бораётганини таъкидлаш зарур. Лондонда ўқиган қизнинг қишлоқлик йигитни мазақ қилиб, сўйгра севиб қолишига бағишланган "Ёндирад, қуйдиради", банан қидирувчи мумсий йигитнинг саргузашидан сўзловчи "Тундан тонгача", шаҳарлик олифтах қўшиқчининг тўқимфеъл қишлоқи билан "борди-келдиси" ҳақидаги "Мен йўлдузимён", одам деса одамга, руҳ деса руҳга ўхшамас, ерга тушавериб, фалакни беэдрган "Севги фаршотаси", синашта эр-хотиннинг ўйинлари асосига қурилган "Эр бермоқ, жон бермоқ" каби филмлар бадийлик жиҳатидан сюжет талабларига жавоб бермайди. Гарб ёҳуд хинд филмларининг сентиментал, гоъийи саъз кўчирмаларини ёдга солувчи мазкур "ижод" намуналарида магзи тўқ, оригинал сюжетнинг йўқлиги кўндек равшан.

Агар кинони яхлит организмга қиёс қилсак, сюжет унинг қон томирлари, юрак тепкиларини белгилаб берувчи асосий омилидир. Табиийки, тана бўйлаб қон меъёрида айланмаса, инсон саломатлиги издан чиқади. Агар сюжет ишонарсиз, ҳаётийликдан йироқ бўлса, филмнинг бадийи савиясига жаддий шикаста етади. Камқон одамнинг жондан ранг қочганидек, филм мазмун-моҳияти ҳам хира тортади. Демак, сюжет табиийлигига эришиш кино санъати учун муҳим мезон.

Жаҳон кино амалиётида сюжетни баён этишнинг турли қўринишлари мавжуд бўлиб, у баъзан кучли зиддиятлар, драматик тўқнашулар, баъзида эса ҳеч қимнинг ҳаёлига келмаган оддий воқеалар таъмирига қурилади. Шу жиҳатдан ўзбек киноси жаҳон экранларини забт этишини истасак, суратга олинаётган филмлар сюжетини бойитишимиз, устозлар сабоғи, дунё киноси тажрибасидан унумли фойдаланишимиз лозим. Шу билан бирга айрим Болливуд ёки Голливуд филмларига тақлидий ёндашувдан қочиб, сюжетнинг ҳали қўрилмаган, фавқулодда талқини ўзимиз яратганимиз маъқул. Тўғри, кино пайдо бўлган дастлабки даврларда сценарий тушуначаси бўлмаган, сюжетта бўлган эҳтиёж эса адабий асарлар воситасида қондирилган. Машҳур француз режиссёри Андре Базен таъбири билан айтганда, "Ўш гўдак қимгадир танийиб оёққа турганидек, кино ҳам ўш тараққийётининг илк палларини адабийта таяниб, қаддини тиклади". Бугун кино то маънода оёққа туриб бўлди. Демак, энди унинг ижодий пойдеворида айланган сюжет тушуначасига жаддий эътибор қаратиш, мухлисларга воқеалар тизими бир-бирига ўхшамас, бадийи салмоғи бақувват кино асарлар тақдим этиш давр талабига айланади.



Шохрух АБДУРАСУЛОВ

ТАЛАБА-ЁШЛАР ИЖОДИЁТИ

Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий изланишларини рўёбга чиқаришга замин яратувчи қўллаб-танлов ва фестиваллар ўтказиб келинмоқда. Улар орасида, айниқса, санъат йўналишида таълим олаётган ёш мутахассислар маҳоратини ошириш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар диққатга сазовор. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бўлиб ўтган "Талаба-ёшлар ижодиёти" фестивали ҳам ана шундай муҳим ижодий лойиҳалардан биридир.

Таабир

Анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган ушбу фестивал институт талабаларининг икtidорини намоён этувчи минбарга айланган. Бу йилги фестивал ҳам, одатдагидек, кўтаринки руҳда ўтди. Унда ўн бешга яқин спектакл, бадийи сўз устalarининг чиқишлари, чолгу гуруҳлари, ёш хонандаларнинг қўшиқлари, драматург ва санъатшуносларнинг ижодий-илмий ишлари тақдим этилди. Шунингдек, тадбирда институтнинг Нукус бўлими битирувчилари ҳам ўз ижод намуналари билан иштирок этишди. Фестивалда намоиш этилган ҳар бир спектаклда мухлислар талабаларнинг профессионал ёндашувини кўриш имконига эга бўлишди. Хусусан, "Драматик театр ва кино актёрлиги" йўналиши битирувчилари тақдим этган "Уйланиш" (Н.Гогол) спектакли кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Курс раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилган спектаклда, аввало, ёш актёрларнинг истеъдодли ижроси эътироф этилди. Бош қаҳрамон Патколёшин ролдаги Санжар Мардонов ҳаёт тарзини ўзгартиришни истайдигани,

лекин журъатсиз, оила ташвишлари ва ҳаражатлари қўлайишидан қўчиб қолган. Уни бадавлат қиз Аганя Тихоновна билан учраштиришга мажбур қилган удаворин Кочкарёв — Сардор Нозимов ижроси ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, Бехзод Жониев Жевакин ролинн шу қадар маҳорат билан ижро этдики, иккинчи даражали рол бўлишига қарамастан асарда етакчи қаҳрамон сифатида томошабинлар эътиборини қозонди. Танловда ёш актёрнинг истеъдоди муносиб баҳоланиб, "Йилнинг энг яхши эпизодик рол ижросиси" номинацияси бўйича гойиб деб эълон қилинди. Фестивал доирасида нафақат спектакл ва концерт дастурлари, балки ёш кино режиссёр ва операторларнинг ижодий изланишлари ҳам тақдим этилди. "Йилнинг энг яхши филми" номинациясида гойибликни қўлга қиритган "Деградация" номли қисқа метражли филм Шавкат Эгамбердиев ҳамда ёш кинооператор Миржалол Мирдадеев томонидан суратга олинган. Енгил-елпи ҳаёт, ичкиликка берилиб кетган йигитнинг инқирозга юз тутуши ҳақида сўз юритувчи ушбу филм гоъийи ва операторлик ишининг пухталиги билан янглис бўлди, дейиш мумкин. Фестивалда, шунингдек, "Ибратли сўз сарнашмалари" номли бадийи сўз ижросини талловчи ҳам ўтказилди. Унда талаба-ёшлар ўзларининг актёрлик маҳоратини намоиш этишди. Машҳур театр режиссёри Нормирович Данченко айтганидек, "Агар актёр театр санъатининг шоҳи бўлса, унинг бошидаги тожи сўз санъатидир". Талаба-ёшлар бу фикрнинг қанчалик тўғри эканини ўз чиқишлари билан исботлашди. Хусусан, "Драма ва кино актёрлиги" йўналишини талабалари Ж.Абдужаббаров "Жалолитдин", "Алишер Навоий", А.Алижонов "Мирзо Улугбек", Ф.Қораева "Гавҳаршодбегим" тарихий моноллари билан ижро этиб, ҳайрат аъзолари ва томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Фестивалнинг ёпилиш маросими ҳам ўзига хос ижод байрамига айланди. Унда йигирмага яқин номинация бўйича совириллар топширилди. Маросим давомида талаба-ёшларнинг "Мозийдан садо", "Бир қамар сиймони кўрдим", "Чарли Чаплин", "Қайдасан", "Қаламқош ёрим", "Ҳаёт" сингари қуй-қўшиқ ва саҳнавий чиқишлари намоиш этилди. Албатта, "Талаба-ёшлар ижодиёти" фестивалининг кенг қамровда ўтказилиши замирида ёшлар ижодини янада ривожлантириш, миллий санъатимиз учун малакали кадрларни етказиб бериш мақсади мужассам.

мизки, кейинги йил ҳам фестивал ана шундай кенг қўламда ўтиб, санъат ихлошмандлари олқишига сазовор бўлади. Фестивал якунида томоша санъати усталари иштирокида гала-концерт ташкил этилиб, жамоаларнинг ютуқ ва камчиликлари мутахассислар томонидан баҳоланди. Тадбир сўнггида фестивал қатнашчиларига Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг махсус гувоҳнома ва дипломлари топширилди.

Улбосин УРИНБОЕВА
Барно УСМОНОВА

Азиз МАТЕКЎБОВ
Ирода ВАҲОБОВА

“ПРИВАШЛАР МАЖЛИСИ”

Оддий қора сўзнинг бадий сўзга, оддий реал одамнинг бадий образга айланиши, сўз ва одамнинг Муза — Париваш, Алишер Навоий таърифига, Раъно ва Махвашга эврилиши ижодкор илҳомининг мўъжизаси. Таникли адабиётшунос олим ва адиб Иброҳим Фафуров янги китобини “Паривашлар мажлиси”, деб номлаганда айни шу маънони назарда тутган.

Муаллифнинг олдинги йиллар чоп этилган “Хаё — халоскор”, “Мангу лаатофат” номли китобларини ўқиган ўқувчилар “Паривашлар мажлиси”дан ҳам ўшандай завқ-шавқ туйсалар ажаб эмас. “Паривашлар мажлиси” икки қисм — “Мансурлар” ва “Бадиалар” дан таркиб топган.

Тўпلامга ижодкорнинг кейинги йилларда ёзган мансурлари, ҳикоялари ва бадиалари киритилган. Уларда муаллиф ҳозирги замон жумбоқлари, умуминсоний муаммолар, бадийлик, Фарб ва Шарқ бадий тафаккурининг фарқи ва уйғун нуқталари, бугунги ўзбек шоир ва ёзувчиларнинг бадий асарлари моҳияти, жозибалари ҳақида сўз юритади.

Ўзбек ва жаҳон адабиётининг на-

мояндалари, ҳозирги пешқадам ижодкорлар ҳаёти, асарлари ҳақидаги самимий, эҳтиросли мулоҳазалар, кўпдан-кўп қимматли маълумотлар, хотира ва учрашувлар чоғидаги таассурот ва айтилган маънили гаплар — булар бари “Паривашлар мажлиси” китобининг мазмун-мундарижасига кўлам ва мавзуларига ранг-баранглик бағишлаган.

“Баъзан тушларинг бу ҳақиқат ва баъзан ҳақиқатларинг туш бўлиб кўринади. Балким, асл ҳаётнинг ўзи ҳам туш ва асл тушнинг ўзи ҳам ҳаётдир”, деб ёзади “Чўлпон музаси” мансурасида Иброҳим Фафуров. Мана шундай терең мулоҳазаларнинг таъсиридан бадий талқинлари “Паривашлар мажлиси” китоби мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган. Унга жамланган асарларда бадий сўз чин паривашга айланиб, сизни инсоннинг турфа сирли оламларига олиб киради.

Китоб шу йил “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган. Муҳаррир Феруза Кувонова.

Доимий ҳанроҳ

“ЎТЛИ РУХ”

Кўзимнинг оқию қораси ҳам сен,
Ҳаётим мазмуни — сараси ҳам сен.
Йиғласам анҳимнинг дарёси сўнгсиз.
Ўлим ва ҳаётнинг ораси ҳам сен.

Таникли шоир Ўткир Раҳматнинг “Ўтли рух” деб номланган янги шеърлар китоби ушбу пурмаъно мисралар битилган саҳифа билан очилади. Шоир лирик қаҳрамонининг кўнгил истигфорлари ифодаланган бундай жозиб сатрлардан таркиб топган шеърлар тўпلامининг илк “Дунё кенглигига сиймайди кўнгил” номли туркумидан талалайгина.

Китобдаги шеърларга мазмуни, рух ва кайфият талқинларига кўра, бир неча фаслда тартиб берилган. Ушбу фаслларга жамланган шеърларнинг поэтик мундарижасини туркумларга берилган номлардан илғаш қийин эмас: “Сачраб оқар туйғулар ҳатто...”, “Олисда милтиқлар кўёш гулхани”, “Қиқиради тоннинг кўзлари”...

Оний лаҳзада кечган қалб кечинмиси, тафаккурда “йилт” этган фикр учқун, бир зумлик ҳолат, кайфият — рух тўлқунларини сўз воситасида муҳлаб қилиш катта поэтик салоҳиятни талаб этади. Зеро, ақл мушоҳадасига тўқин бўлган ҳис-туйғу ўзининг боқира мусаффолиги, яъни ростўйлигини йўқотади. Ўта қисқа фурсатда юракда кечадиган ҳақиқатни туйиш ва уни борича ба-

дий ифодалаш чинакам поэзия намуналарини юзага келтиради. Таникли шоирлар ижодида бундай шеърлар ўзининг турли-туман талқинларига эга. Ўткир Раҳматнинг “Ўтли рух” китобидан жой олган бир қатор шеърларда эса лирик кечинма, ҳолат, кайфиятнинг, англаш ва иқдор лаҳзаларининг суратлантирилган, таниш ва самимий ифодасини кўзатамиз:

Оловда офтоб маст,
Осмода борар оқиб.
Шамол ҳовучида хас,
Кетаётир туюқиб.

Мигти кўзи пирпираб,
Бўғотда ҳайрон кумри.
Деворлар секин нураб,
Ўтиб бормоқда умри.

Тўпلامда бундай фавқуллода кузатишларнинг содда ва айни пайтда ростгўй манзаралари чизилган шеърлар китобхон қалби, шурига умр, тириклик, борлиқ, уларнинг моҳияти, қадр-қиммати, қайтмаслиги борасида бир қадар ҳазин ва дилгир ҳисларни, ўй-хаёлларни тортқил этади. Энг муҳими, бу шеърлар кутилмаган ўхшатиш, образли ибора, тимсол ва рамзларга беэланган.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган “Ўтли рух” китобига Л.Игамова муҳаррирлик қилган.



Солганинг — бошганинг

МАГНИЙ ЕТИШМАГАНДА...

Инсон организмда магний етишмаси шитаҳа йўқолиб, тана ҳарорати пасаяди, руҳий сиқилиш, асабийлик ҳамда томирлар тортишиши рўй беради. Бу микроэлементнинг камлиги, айни чоғда, уйқусизлик, бош оғриғи, қорин дамлаши, эрта қартайиш, камқонлик ва асаб билан боғлиқ муаммоларга ҳам сабаб бўлади.

Магнийнинг етишмаслиги юрак-қон томир тизими ишига таъсир кўрсатади. Айнан магний юрак ритмининг бузилиш хавфини камайтиради, липидлар алмашинувини яхшилайди, томирларда қон ивишининг олдини олади. Бундан ташқари, юрак ва қон томирлар ишини меъёрга солиб туради.

Организмда магнийга эҳтиёж ортиши кўп ҳолларда нотўғри ва самарасиз овқатланиш туфайли келиб чиқади. Магний ўсимликларга яшил тус берувчи хлорофилнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, қўшимча равишда ишлов берилмаган ҳар қандай ўсимликдан тайёрланган таомда у мавжуд. Масалан, ёнғоқлар, дуккақиллар, ишлов берилмаган бошоқли ўсимликлар, шунингдек, қўқатлар, исмамоқ, соя, нўхат, денгиз маҳсулотлари, мол гўшти мазкур микроэлементнинг асосий манбаидир. Каттиқ сувда ҳам юмшоқ сувга қараганда магний кўп.

Биз ҳозирги пайтда аъзои баданимиз учун зарур бўлган магний микродининг ҳаммасини сув ва таомлар орқали ололмаيمиз. Демак, бунда дармондорилар ёрдам беради. Агар магний етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар юзага келса, шифокор томонидан махсус дори препаратлари тавсия қилинади. Катта ёшдаги эркек ва аёллар бир кунда ўз вазнининг ҳар бир килограммига тахминан 4,5 мг. микдорда магний қабул қилиши лозим. Ҳомилдорлик ва бола эмизтиш даврида бу микдор ошади. 15 ёшга бўлган болаларнинг суяклари яхши ривожланиши учун улар катталарга нисбатан кўпроқ — ҳар бир килограмм вазнига 6 мг. микдорда магний қабул қилиши даржор.

Шуни унутмаслик кераки, организмга кальций қанчалик зарур бўлса, магний ҳам шу қадар зарур. Яъни магний камайса кальций ҳам камаяди ёки кальций камайса магний ҳам камаяди. Шу сабабли уларнинг нисбати ўзаро тенг мувозанатда бўлиши лозим. Кальций тиш ва суяклар, тўқималар, асаб тизими, қон ҳаракати ва иммун тизими меъёрида ишлаши учун зарур.

Магний етишмаслиги кўп ҳасталикларга, шу жумладан, бириктирувчи ҳужайраларнинг кучсизланиши каби оғир касалликларга ҳам олиб келиши мумкин. Организмда магнийнинг етарли даражада бўлишини таъминлаш узок умр кўриш ва ҳамisha бардам, тетик бўлиш кафолатидир. Мушакларга кўп кун тушганда ҳам кальций ва магнийнинг тўғри мувозанатдаги микдори зарур бўлади. Магний организмга тез сингади ва суякларда кальцийни яхши сақлаб туради, унинг баъдандан чиқиб кетишига имкон бермайди. Қўшимча равишда қабул қилинган магний организмда кальцийни самарали тарзда сақлайди. Венанинг варикоз касаллиги, узокни яхши кўролмаслик, грижа (чурра тушиш), умуртқанинг қийшайиши, бириктирувчи ҳужайраларнинг кучсизлиги магний етишмовчилиги билан боғлиқдир.

Магний исмамоқда, шунингдек, сарсабил деб аталувчи кўп йиллик сабзавотда, бугдой келлиги, ёнғоқ, қунгабоқар пистасида, ловия, кўк олма ва салатларда, аччиқ бўлмаган кўк қалампирда кўп.

Таркибида магний бор маҳсулотлар (100 грамида мг. микдорда):

Бугдой келлигида —	611
Ошқоққу руғида —	534
Кунжут руғида —	351
Бодомда —	304
Кедо ёнғоғида —	234
Ёр ёнғоғида —	185
Ёнғоқда —	169
Исмамоқда —	87
Ловияда —	63
Куртилган хурмода —	59
Кунгабоқар пистасида —	58

ЭНГ ПАРҲЕЗБОП

Европа парҳезшунослар ассоциацияси томонидан шу йил баҳорда эълон қилинган маълумотда кўен гўшти энг парҳезбоп маҳсулот сифатида тилга олинган. Маълум бўлишича, одам организмиде кўен гўштини жуда яхши ҳазм қиларкан. Унда аллергия кўзговици унсурлар, масалан, парранда гўштинга нисбатан ҳам жуда кам бўларкан. Шу сабабли болалар шифокорлари болалар таомларига гўшт маҳсулотлари қўйишни айнан кўен гўштидан бошлашни маслаҳат беришмоқда.

Кўй гўштини баъзилар жуда ёғли ва оғир ҳазм бўлади, деб ҳисоблайди. Аслида ундай эмас экан. Парҳезшунос-гастроэнтеролог С. Бережневнинг айтишича, АҚШда фақат кўй гўштинга одамга куч-қувват, энергия берувчи парҳез таомлар рўйхати киритилган. Кўй гўштидан тайёрланган таомлар организмда тез калорияга айланиб, спорт билан шугулланган жуда жуда кўй келади. Шунга қарамай, кўй гўштини ҳафтасига бир мартадан ортик ейиш тавсия қилинмайди.

Кўй гўштида лецитин моддаси кўп бўлиб, у тез фикрлашга, айни чоғда, инсулин ишлаб чиқишишни меъёрга солишга ёрдам беради. Шуни ҳам ёдда тутиш кераки, гўшлар орасида фақат кўй гўштидагина тиш эмалини мустаҳкамловчи фтор моддаси мавжуд. Кўйнинг 100 грамм сон гўшти кабобда 320 калория, қовурга ва бел қисмидан тайёрланган кабобда эса 280 калория мавжуд.

Бузоқ ва ёш мол гўштида организмга яхши сингадиган оқсиллар, темир ва дармондорилар мавжуд. Бироқ қари мол гўштида тўйинган зарарли ёғлар, организмда оксидланиш жараёнини кўзговици моддалар кўп. Сунгги пайтда қаришга қарши муолажа билан шугулланувчи олимлар қизил гўшт организмда қариш жараёнини тезлатади, деган хулосага келдилар.

Антибиотиклар билан тўйинтирилмаган яхши парранда гўшти юрак фаолияти учун жуда фойдали. Товуқ шўрва асаб тизими ва иммунитетни мустаҳкамлайди, турли инфекциялардан ҳимоялайди. Кўрқа гўштидаги фосфор микдори балиқ гўштидаги фосфорга тенг. Бу модда суяк ва бўғимлар мустаҳкамлиги учун жуда зарур. Кўрқа гўштидан тайёрланган кабоб ҳам фойдали. Барча (кўй, мол, чўчка) ёғларда радионуклидлар тўпланмайди. Айни чоғда ёғ иштирокисиз кўрда пиширилган учун кабобда зарарли канцероген моддалар жуда кам бўлади. Шуни унутмаслик кераки, кўен гўштидан бошқа барча гўшларда бўғимларни шикастловчи пуриин моддаси мавжуд. Кўмир кўрида пийшган кабобда зарур дармондорилар ва микроэлементлар сақланиб қолади. Бироқ оловда кўп тобланган ва айрини куйган кабоб бўлақларида зарарли моддалар йиғилган бўлади.

Барча турдаги кабоблар крахмалга бой таомлар билан чиқиша олмайдди. Картошка, ошқоққили, мажаҳўхорили ва патиссонли таомлар гўштининг меъёрида ҳам бўлиш жараёнини оғирлаштиради. Яшил сабзавотлар ва янги қўқатлар кўмир кўрида тайёрланган кабобининг зарарли хусусиятларини камайтириб, таомнинг организмга яхши сингишига ёрдам беради.

Интернет хабарларидан.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Бошланиш биринчи саҳифада.

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатиимиз, кўна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳолига мўносиб турмуш шароитини яратиб борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топган; ҳалқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини бутунлай ўзгартириб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамлаиб бо-

раётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» ташлови кўйлаага номнациялар бўйича ўтказилди:

— ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
— кино санъати асарлари.
Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
— муаллиф ва унинг профессионал фаолия-

ти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» ташловида деб қўрсатилган ҳолда қўйидаги махсилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон

Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси

«Тасвирий санъат» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 2013/2014 ўқув йили учун қабул эълон қилди

Институтда кўйлаага бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қаарлар тайёрланади.

Бакалаврият таълим йўналишлари:

Шифр	Таълим йўналишлари	5150300	5151600	5151700
5111000	КАСБИЙ ТАЪЛИМ (йўналишлар бўйича) Касб таълими: актёрлик (қўғирчоқ театр актёрлиги) Касб таълими: режиссёрлик (эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги) Касб таълими: халқ ижодиёти (фолклор-этнографик жамоалари раҳбари) Касб таълими: халқ ижодиёти (халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари)	АКТЁРЛИК САНЪАТИ (турлари бўйича) Актёрлик санъати: эстрада актёрлиги Режиссёрлик: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги Техноген санъат (кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги) ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ (турлари бўйича) Халқ ижодиёти: фолклор-этнографик жамоалари раҳбари МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ	Мутахассисликлар 5A150301 Драма театри ва кино актёрлиги 5A150301 Эстрада актёрлиги санъати 5A150403 Оммавий тадбирлар режиссёрлиги 5A151401 Овоз режиссёрлиги (турлари бўйича) 5A151501 Кинооператорлик 5A151701 Маданият ва санъат соҳаси менежменти 5A610401 Маданиятшунослик 5A610402 Ижтимоий-маданий фаолиятни ташкил этиш (турлари бўйича)	Институтга кириш учун қўйидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилиши лозим: 1.Ректор номига ариза; 2.Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (аттестат ёки дипломнинг асл нусхаси); 3.086-У шаклдаги тиббий маълумотнома; 4.3,5 x 4,5 см ҳажмида 6 донна рангли фотосурат; 5.Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилгани ва нусхалари топширилади; Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Ижодий имтиҳонлар 11 июлдан 25 июлгача ўтказилади. Ижодий имтиҳон бўйича консултациялар 3 июлдан бошланади. Абитуриентлар 1 август кунини тест синовларини топширадилар. Тест синовлари бўйича консултациялар 26 июлдан 30 июлгача давом этади. Институтда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Абитуриентлар қўшимча маълумотлар учун қабул комиссиясига мурожаат этишлари мумкин. Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси 123-уйда қабул қилинади.
5150200	САНЪАТШУНОСЛИК (турлари бўйича) Театршунослик Саҳна ва экран санъати драматургияси			
5150300	АКТЁРЛИК САНЪАТИ (турлари бўйича) Драматик театр ва кино актёрлиги санъати Муслиқий театр актёрлиги санъати Кўғирчоқ театри актёрлиги санъати Эстрада актёрлиги санъати			
5150400	РЕЖИССЁРЛИК (турлари бўйича) Драма режиссёрлиги Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги Телевидение ва радио режиссёрлиги			
5151400	ТЕХНОГЕН САНЪАТ (турлари бўйича) Кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги			
5151500	КИНО-ТЕЛЕОПЕРАТОРЛИК			
5151600	ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ (турлари бўйича) Халқ ижодиёти: фолклор-этнографик жамоалари раҳбари Халқ ижодиёти: вокал жамоалари раҳбари Халқ ижодиёти: халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари Нукус филиали			

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилымыз: Тошкент — 100083, Матбуотчилик кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилымыз: uzas@mc.s.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-99
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ



Тасвирингизга келган қўйималар таълим этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таъхирингиз натижа назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.

Босмақона манзили: Бувоқ Тўроқ кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

ЖУМА КУНАЛРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИК.

ISSN 2181-634X

772181634000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 13.06.2007 йил 9283-рақам билан рўйхатга олинган. Аҳди — 6335 Буюртма Г — 644. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташқиотлар учун — 223. 1 2 3 5